



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Зомин тумани

2022 йил 24 февраль

4-1303-2201/84-сонли иш

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдазов котиблигида, аризачи – Зомин туман Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар – "SUPER OLOV" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан аризаси бўйича ишни аризачи вакили Ш.Назаров (ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Зомин туман Давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносидан очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи - Зомин туман Давлат солиқ инспекцияси судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – "SUPER OLOV" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 2021 йил апрель ойи учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этгунига қадар тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ариза талабини қўллаб-қувватлаб, судга бугунги кун ҳолатига маълумотнома тақдим қилиб, суд мажлиси кунига қадар жавобгар томонидан 2021 йил апрель ойи учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда ажрим орқали хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакили иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129-моддалари ва 170-моддасига мувофиқ, мазкур ишни жавобгардан вакил иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишда иштирок этган аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, Зомин туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2021 йил 26 майда 326473-сонли ва 2021 йил 12 августда 134180-сонли хабарномалар "SUPER OLOV" масъулияти чекланган жамиятига жўнатилиб, унда 2021 йил апрель ойи учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этилмаганлиги маълум қилиниб, солиқ органлари солиқ ҳисоботларини тақдим этиш бўйича яқиндан ёрдам беришга тайёрлиги ҳақида хабардор қилинган.



Бирок, жавобгар мазкур хабарномаларни оқибатсиз қолдирган. Зомин туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2021 йил 12 августда 149957-сонли “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Қарорнинг 1-бандига асосан Зомин туман Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи бўлиб рўйхатдан ўтган "SUPER OLOV" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.

Жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги сабабли, аризачи судга муурожаат қилиб, аризадаги талабни қўйган.

Талаб асосли. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Ушбу Кодекснинг 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисидаги хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, суд банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаши мумкин.

Мазкур ҳуқуқ нормаларига асосан суд, аризачининг аризасини қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божи ундирмасликни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112, 116-моддаларига кўра, жавобгардан аризачи фойдасига тўланган 21.600 сўм почта харажатларини ундиришни лозим деб топди.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112, 116, 127-129, 170, 176-179, 217, 222-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Аризачининг аризаси қаноатлантирилсин.

"SUPER OLOV" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операциялари 2021 йил апрель оyi учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этгунига қадар тўхтатиб турилсин.

"SUPER OLOV" масъулияти чекланган жамиятидан Зомин туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига тўланган 21.600 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Раислик этувчи, судья

Ш.Х.Бегматов

